

МАҲАМАДХОДЖАЕВ Баҳромхуҷа
Ал-Бухорий университети ўқитувчиси

ШАМСУЛ АИММА АЛ-ХАЛВОНИЙНИНГ ФИҚҲ ИЛМИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ

ВКЛАД ШАМСУЛА АЙММЫ АЛЬ-ХАЛВАНИ В НАУКУ ЮРИСПРУДЕНЦИИ

THE CONTRIBUTION OF SHAMSUL AIMMA AL-KHALWANI TO THE SCIENCE OF JURISPRUDENCE

Аннотация. Мақолада Бухорадан чиққан фақиҳ Абдулазиз ибн Аҳмад ибн Наср ибн Солиҳ ал-Ҳанафий ал-Бухорий ал-Ҳалвоний тўғрисида, унинг исмини келиб чиқиши, устозлари, шогирдлари, саёҳатлари ва ёзган асарлари ҳақида маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: Маворауннаҳр, ал-Ҳалвоний, Бухора, ҳанафийя, ҳалво, лақаб, ҳарф.

Аннотация. В статье представлены сведения о факихе Абдулазизе ибн Ахмаде ибн Насре ибн Салихе аль-Ханафи аль-Бухари аль-Хальвани из Бухары, происхождении его имени, его учителях, учениках, путешествиях и сочинениях.

Ключевые слова: Мавераннахр, ал-Хальвани, Бухара, ханафиты, халва, прозвище, буква.

Annotation. The article presents information about the faqih Abdulaziz ibn Ahmad ibn Nasr ibn Salih al-Hanaf al-Bukhari al-Khalvani from Bukhara, the origin of his name, his teachers, students, travels and writings.

Keywords: Maverannah, al-Khalvani, Bukhara, Hanafi, halvah, nickname, attitude, letter.

КИРИШ

Абдулазиз ибн Аҳмад ибн Наср ибн Солиҳ ал-Ҳанафий ал-Бухорий ал-Ҳалвоний (ваф. 448/1056-1057) ижтимоий-сиёсий фаолияти учун ҳанафийлар етакчиси («Раис ал-ҳанафийя») - «Шамс ал-Аимма» («Имомлар қуёши») [1:1/318] фахрий унвони билан номланган. Айтишларича мазкур фақиҳ кўплаб табақот ва тарожим китобларида «Ал-Ҳалвоний» номи билан ҳам зикр қилинган, бошқа тарожим ва табақот асарларида эса Шамсул Аимма ал-Ҳалвоний деган машҳур ном билан зикр

қилиш билан кифояланган. Шамсул Аимма Ал-Ҳалвонийнинг кунyasi Абу Муҳаммаддир [2:3/111]. Бу борада ҳеч қандай ихтилоф йўқ.

Баъзилар Шамсул Аимма ал-Ҳалвонийни ҳалво (ширинлик) тайёрлаб сотиш касбига нисбат бериб «ал-Ҳалвоний» лақаби билан атасалар [1:2/355], бошқалар уни Ҳулвон («حلوان») қишлоғига нисбат бериб, ал-Ҳулвоний деб атаганлар [3:1/95].

«Ал-Фавоид ал-баҳийя фий тарожим ал-ҳанафийя» (الفوائد البهية في تراجم الحنفية) асарининг муаллифи айтади: «Ҳа ҳарфи даммали, охиридаги алиф ҳарфи сукунли ва алифдан кейин эса нун ҳарфи бор (яъни Ал-Ҳулвоний) деганлар ушбу лақабни шаҳар номига нисбат беришган. Ал-Ҳидоя асарининг муаллифи Вазоиф бобининг бошида, шунингдек, ал-Айний ҳам ал-Ҳидоя асарига ёзган шарҳида мазкур (ал-Ҳулвоний) деган лақабни келтирган. Ал-Ҳидоя асарининг мазкур шарҳчиси уни шаҳар номидан олинган деган. Бу заиф гап. Чунки насаб ақлий фараз билан эмас, балки аниқ асос билан белгиланади. Модомики асос-далил келтирилмаган экан бу гап ишончли эмасдир. Гап шундаки, Ҳулвон тоғли ҳудуди «Саводул Ироқ»дандир. Маълумки Шамсул Аимма ал-Ҳалвоний Ироқдан ҳам эмас, араблардан ҳам эмас. Бу борада «ал-Ансаб» [2:48/4:2] асари муаллифининг сўзлари кифоя қилади. У киши аввал ҳа ҳарфи даммали, лом ҳарфи сукунли ва охирида нун ҳарфи бор яъни ал-Ҳулвоний деб «Саводул Ироқ»нинг тоғли ҳудудидаги Ҳулвон шаҳрига нисбат берган. Кейин ўша ҳудудга мансуб кишиларни зикр қилган. Сўнг айтганки Ҳулвон асли шаҳар кўринишидаги қишлоқ бўлиб уни Ҳулвон ибн Имрон (حلوان بن عمران) курдиргани учун у жойга шу ном берилган. Сўнг ҳа ҳарфи фатҳали, лом ҳарфи сукунли деб ал-Ҳалвоний номини зикр қилган, яъни у кишининг ҳалво (ширинлик - الحلواء) пишириб сотиш касбига нисбат берилган бўлиб мана шу нисбат бериш машҳурдир. Абдулазиз ибн Аҳмад ибн Наср ибн Солиҳ ал-Ҳалвоний Шамсул Аимма (أبو محمد عبد العزيز بن أحمد بن نصر بن) (صالح الحلواني شمس الأئمة) Бухоро аҳлидан бўлиб ўз вақтида раъй аҳлининг пешвоси бўлган» [1:96].

АСОСИЙ ҚИСМ

Фақиҳ Шамсул Аимма Абдулазиз ал-Ҳалвоний Бухоро қошидаги Бумижкас қишлоғида туғилган. Шунинг учун у кишига

Бухорий деб ҳам нисбат берилади. Бухоро шаҳри Маворауннахрнинг энг катта шаҳарларидан бири бўлиб у ерга Омул аш-шатт шаҳридан борилади. Мазкур шаҳар билан Жайхуннинг ораси икки кунлик йўлдир. Сомонийлар шоҳи Исломга киришидан аввал Бухоро шаҳри унинг қароргоҳи бўлган. Бухоро шаҳри боғлари кўп, мевалари мўл қадимий шаҳардир. Унинг мевалари ўн икки марҳала узоқликдаги Марв шаҳрига, ўн беш кунлик масофадан узоқроқдаги Хоразм шаҳрига олиб борилади. Бухоро шаҳри билан Самарқанднинг орасида масофа етти кунлик йўлдир ёки ўттиз етти фарсахдир. Бир фарсах эса уч милдир [5:1/250].

Тарожим ва табақот асарларида у кишининг туғилган санаси айtilмаган. Маворауннахрдаги бошқа кўплаб уламоларнинг туғилган санаси ҳам тарожим китобларида зикр қилинмаган бунга кўплаб сабаблар бор бўлиб уларнинг асосийлари куйидагилар:

Маданий марказдан узоқлиги ва хусусан илм булоқларидан узоқлиги;

Исломий жамиятда содир бўлган кўплаб нотинчликлар ва фитналар.

Уламолар у кишининг вафоти борасида икки хил гап айтишган:

Биринчиси: У киши ҳижрий 456 [6:18/177] йилнинг Шаббон ойида вафот этган. Шу гап машхурроқ ва кучлироқдир.

Иккинчиси: У киши ҳижрий 449 [2:2/355] йилда вафот этган ва ас-Судур қабристонига дафн қилинган [6:18/177].

Имом ал-Ҳалвоний кўплаб шайхлардан илм олиб фақиҳ бўлиб етишган. Устозларининг машхурлари:

1. Абу Саҳл Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Маккий ибн Ужайф ал-Анмотий ал-Бухорий: наmatфурушлик касбига нисбат бериб Анмотий деб номланган [1:1/317];

2. Абу Шуайб Солиҳ ибн Муҳаммад ал-Бухорий [6:13/536];

3. Абу Али Ал-Ҳусайн ибн ал-Ҳизр ибн Муҳаммад ибн Юсуф ал-Фақийх ал-Қозий ан-Насафий. Ас-Самъоний у киши ҳақида шундай деган: У зот замонасининг пешвоси эди, Бағдодда фикҳни ўрганган. Ал-Муртазо билан пайғамбарлардан мерос қолиши масаласида илмий баҳс олиб борган. Имом Муҳаммад ибн Фазлнинг дўстларидан эди. У киши билан Бухорода учрашган. Ал-Ҳусайн ибн ал-Ҳизрнинг уламодан дўстлари бўлган ва кўплаб

шогирдлар чиқарган. Ҳижрий 424 йилда ёши саксонга яқинлашганда вафот этган [2:2/355].

4. Ас-Сабазмуний: Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Яъқуб ибн ал-Ҳарс ибн Халил ас-Сабазмуний Абу Муҳаммад ал-Калабазий (ал-Калободий) ал-Бухорий ал-Фақийх ал-Ҳанафий. Унинг асарларидан бири: «Кашфул осор аш-шарийфа фий манокиб ал-имом Абу Ҳанифа» [6:13/536].

5. Абдурахмон ибн Ҳусайн ал-Котиб ал-Ҳанафий: ханафий мазҳабининг кўзга кўринган уламоларидан. Марвда ҳаёт кечирган. Ҳадис ва ханафий фикҳи олими бўлган. Балх шайхларидан илм олган. Ҳижрий 450 йилда вафот этган [6:5/359].

6. Ғунжор Ал-Ҳофиз: Маворауннахр муҳаддиси Имом ал-Олам Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Салмон ибн Комил ал-Бухорий. Лақаби Ғунжор ал-Қабир Ийсо ибн Мусо ал-Бухорий. Ҳижрий 412 йилда вафот этган [6:2/355].

Имом ал-Ҳалвоний катта уламолардан ҳисобланади. У киши кўплаб шогирдлар чиқарган. Унинг шогирдларинг ўлканинг турли ҳудудларига бориб илм тарқатишган. Энг кўзга кўринган шогирдлари куйидагилар:

1. Абул Юср Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн ал-Ҳусайн ибн Абдулкарим ибн Мусо ибн Ийсо ибн Мужоҳид ал-Баздавий. Ҳижрий 493 йилда вафот этган [3:2/1581].

2. Абу Бакр Муҳаммад ибн ал-Ҳусайн ибн Мансур ан-Насафий: Шамсул Аимма ал-Ҳалвонийдан фикҳни ўрганган ва у кишидан ривоят қилган. Ал-Амолийнинг ровийларидан бири ва ўзининг ҳам «Амолий»си («Имло қилинган масалалар тўплами») бор [6:18/177].

3. Бакр ибн Муҳаммад ибн Алий ибн ал-Фазл ибн ал-Ҳасан ибн Аҳмад ибн Иброҳим ибн Исҳоқ ибн Усмон ибн Жаъфар ибн Абдуллоҳ ибн Жаъфар ибн Жобир ибн Абдуллоҳ ал-Ансорий ал-Жобирий ал-Бухорий аз-Заранжарий Абул Фазоил. Шамсул Аимма лақабини олган. Бухоро аҳлидан. Абу Ҳанифа мазҳабини пухта билишда намуна бўлган. Фатво беришда ва турли масалаларга жавоб беришда мерган бўлган. Насабларни ва тарихни яхши билган. Юртдошлари уни Абу Ҳанифа ал-Асғар (яъни кичик Абу Ҳанифа) деб номлашган. Ҳижрий 490 йилда вафот этган [6:18/177].

4. Абдулкарим ибн Абу Ҳанифа ибн ал-Аббос Абул Музаффар ал-Андакий Бухоро

кишлоқларидан бирига мансуб бўлиб ҳижрий 400 йилда туғилган. Фозил, фақиҳ киши бўлган. Шасмул Аимма ал-Ҳалвонийдан фикҳни ўрганган. Ҳижрий 481 йилнинг Шаъбон ойида вафот этган [6:18/177].

5. Алий ибн Муҳаммад ибн ал-Ҳусайн ибн Абдулкарим ибн Мусо ибн Йисо ибн Мужоҳид Абулҳасан: Фахрул Ислому ал-Баздавий номи билан танилган. Маворауннаҳрнинг катта фақиҳи унвонининг соҳиби. Тариқатда шайх бўлиб Абу Ҳанифа мазҳабида бўлган. Кунyasi Абул Уср. Қози Муҳаммад ибн ал-Юсрнинг акаси. Ўн бир жилдди «ал-Мабсут» асарининг муаллифи. «Ал-Жоме ал-кабир» китобига шарҳ ёзган. Ҳижрий 482 йилда Ражаб ойининг 5 кунда пайшанба куни вафот этган. Тобутини Самарқандга олиб боришган ва масжид дарвозаси яқинига дафн қилинган [2:1/118].

6. Абу Наср Жамолиддин ал-Қозий Аҳмад ибн Абдурахмон ибн Исҳоқ ар-Риғдамуний ал-Бухорий ал-Ҳанафий. У кишининг ханафий мазҳабининг фуруъул фикҳи бўйича «Амолий»си («Имло қилинган масалалар тўплами») бор. Ҳижрий 518 йилда вафот этган [6:18/177].

7. Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Абу Саҳл Абу Бакр ас-Сарахсий. Ал-Имом ал-Кабир, Шамсул Аимма унвонларининг соҳиби. «Ал-Мабсут» ва бошқа асарлар муаллифи. Катта пешволардан бири, усул фикҳ бўйича етук олим бўлган. Имом Шамсул Аимма ал-Ҳалвонийни лозим тутиб илм олган. Ўз замонасининг етук олимларидан бўлиб етишган, асарлар ёзган, замондошлари билан илмий баҳслар олиб борган. Натижада номи чикиб машҳур бўлган. Зиндонда ўтирган ҳолида ўн беш жилдди «ал-Мабсут» китобини ёддан айтиб шогирдларига ёздирган. Ҳижрий 490 йилда вафот этган [1:1/28].

8. Абул Юср ал-Баздавий Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн ал-Ҳусайн Абдулкарим ибн Мусо. «Содрул Ислому» лақабини олган. Исмоил ибн Абдуллоҳдан илм олган. У кишининг ўзидан эса Нажмиддин Умар ан-Насафий ва «Тухфатул фуқаҳо» асарининг муаллифи Муҳаммад ибн Аҳмад ас-Самарқандий ва бошқа кўплаб шогирдлар илм олишган. Фуруъул фикҳ бўйича «ал-Мабсут» ва «ал-Вокиот» асарларини ёзган. «Тожут тарожим» асарининг муаллифи шундай деган: Умар ибн Муҳаммад ан-Насафий айтади: «Абул Юср Маворауннаҳрдаги дўстларимизнинг устози

эди. Ҳақиқий маънода пешволарнинг пешвоси эди. У зотнинг ҳузурига турли ўлкалардан илм истаб келишар эди. Усул ва фуруъ бобида ёзган асарлар Шарку Ғарбни тўлдирган эди». Ҳижрий 493 йилнинг Ражаб ойида вафот этган [1:188].

Илм талабида сафар қилиш маърифат сабабларидан бири ҳисобланади. Бундай сафарлар хусусан Маворауннаҳр шаҳарлари ўртасида ва умуман олганда Маворауннаҳр ва Ислому олами ўртасида илмий ва маданий алоқалар ўрнатиш воситаси бўлган. Илм марказлари ўртасидаги сафарлар Ислому оламининг яхлитлигини намоён қилар эди. Эркин кўчиб юриш учун ҳеч қандай тўсиқлар, чегаралар йўқ эди. Шунинг учун уламолар Андалусдан ториб то Хитойгача Ислому олами бўйлаб илм талабида сафар қилиб юришар эди. Уламоларни илм талабида сафар қилишга иккита сабаб шижоатлантириб турар эди:

Биринчи сабаб: олимлар бепул бошпана сифатида фойдаланиши (ва меҳмон бўлиши) мумкин бўлган масжидлар, жомеалар, мадрасалар, работлар, намозхоналар ва хонақоларнинг борлиги;

Иккинчи сабаб: бепул дарс олиш, илм ўрганиш имкониятининг борлиги.

Имом Шамсул Аимма ал-Ҳалвоний кўплаб сафарлар қилган, жумладан:

Кичик сафарлар: Илм олиш ва илм таратиш мақсадида Маворауннаҳрнинг шаҳар ва кишлоқлари орасидаги сафарлар. Табақот ва тарожим китобларида Имом ал-Ҳалвонийнинг кичик сафарларидан фақат биттаси келтирилган бўлиб, мазкур сафар Имом ал-Ҳалвонийнинг ўша замоннинг машҳур шайхларидан илм олиш истагида, жумладан Имом Муҳаммад ибн Аҳмаддан илм олиш талабида Бухоро шаҳридан Кеш¹ кишлоғига қилган сафаридир. Имом ал-Ҳалвоний Кеш кишлоғига бориб устозининг этагини маҳкам тутуди ва Кеш кишлоғида мударрис, муфтий ва воиз бўлиб етишади. Ҳанафий мазҳабининг алломаларидан ва кўзга кўринган мужтаҳидлардан бўлиб умрбод Кешда қолади. Кўплаб тарожим асарларининг муаллифлари у зотнинг вафот этгунча Бухоро шаҳрига қайтмаганини айтадилар.

Олис сафарлар: Маккаи мушаррафага қилган сафари. Тарожим китобларида Имом ал-Ҳалвонийнинг Маккага қилган сафари зикр қилинмаган [6:350].

¹ Самарқандда жойлашган катта кишлоқ.

Имом ал-Ҳалвоний қаламига мансуб баъзи асарларни ва у асарлардаги илму-маърифатни ўрганиб чиқиб айтиш мумкинки у зот ўз замонасининг катта уламоларидан эди.

Имом ал-Ҳалвонийнинг асарларини ўрганган одам у зотнинг ўзига хос қисқа ва лўнда услубда асар ёзганини кўриши мумкин. Шунинг учун ҳам унинг асарлари илм талабидагилар учун тадқиқот, изланиш ва илм олиш манбасига айланган. Чунки у асарларда аниқ лўнда маълумотлар келтирилган ва тафсилотлар ўрнига ишоралар билан кифояниланган. Имом ал-Ҳалвоний асарларининг баъзилари чоп этилган, баъзилари эса қўлёзма ҳолидадир, жумладан:

1. «Аш-Шарҳ ал-кабир»: Абу Бакр ал-Хассофнинг «Ҳиялуш шарийа» (шаръий ҳийлалар) асарининг шарҳи. Шаръий ҳийлалар фикҳнинг бўлимларидан бири бўлиб мазкур китоб икки жилддан иборатдир. Мазкур китобга Имом ал-Ҳалвоний шарҳ ёзган, шунингдек, Шамсиддин ас-Сарахсий ва Имом Хоҳарзодалар ҳам шарҳ ёзишган [3:1/695]. Мазкур китоб қўлёзма ҳолатида бўлиб, чоп этилмаган.

2. «Шарҳу зиёдотуз зиёдот лифуруъил ҳанафийя»: (Ҳижрий 187 йилда вафот этган) Имом Муҳаммад ибн ал-Ҳасан аш-Шайбонийнинг асарига ёзилган шарҳ. Бошқа уламолар ҳам бу асарга шарҳлар ёзишган. Ал-Ҳоким аш-Шаҳидий эса бу асарга «Усулуз зиёдот» деган мухтасар ёзган [3:1/695]. Бу китоб чоп этилмаган.

3. «Шарҳу китаб адаб ал-қоди ала мазҳаб ал-имом Абу Ҳанифа ан-Нуъмон»: Ҳижрий 261 йилда вафот этган Абу Бакр Аҳмад ибн Амр ал-Хассофнинг асарига ёзилган шарҳ. Мусанниф уни 120 бобга ажратган. Ушбу китобга фуруъ ва усул имомлари шарҳлар битишган, жумладан Имом Абу Бакр Аҳмад ибн Алий ал-Жассос (ҳижрий 370 йилда вафот этган). Мазкур шарҳ бугунги кунда бошқа шарҳлар орасидаги машҳур шарҳдир. Китобнинг аввалида ҳар бир масаланинг оқибатини санаб ўтилгани айtilган [3:1/46]. Бу китоб чоп этилмаган.

4. «Шарҳ китоб ал-жоме ас-сағийр фил фуруъ»: Ҳижрий 187 йилда вафот этган мужтаҳид имом Муҳаммад ибн ал-Ҳасан аш-Шайбоний ал-Ҳанафий асарига ёзилган шарҳ. Бу кучли маълумотларга бой китоб бўлиб 1532та масалани ўз ичига олган [3:1/46]. Мазкур китоб Байрут шаҳридаги Дору содир матбаасида чоп этилган.

5. «Шарҳу китоб ал-жоме ал-кабир фил фуруъ»: Ҳижрий 187 йилда вафот этган мужтаҳид имом Муҳаммад ибн ал-Ҳасан аш-Шайбоний ал-Ҳанафий асарига ёзилган шарҳ. Бу китобга бошқа уламолар ҳам шарҳ ёзган [3:1/567]. Дорут турс матбаасида чоп этилган.

6. «Фатаво Шамсул Аимма Ал-Ҳалвоний» [3:2/1224].

7. «Китаб ан-нафақот» [3:2/1467].

8. «Ал-Мабсут» [3:2/1580].

ХУЛОСА

Юқорида таъкидлаганимиздек, Шамсул Аимма ал-Ҳалвоний нафақат ижтимоий-сиёсий ҳаётда, илмий ишларда ҳам фаол бўлган. Ал-Ҳалвонийнинг «Мажлис фи сифат ашрат ас-саъа ва-мақомат ал-қиёма» асари ноёб ҳисобланади ва нусхаси сақланиб қолган. Бу асар эсхатологик жанр аъёналарида тузилган. Асарларнинг мазмуни таҳлили шуни кўрсатадики, Шамсул Аимма ал-Ҳалвоний бухоролик ваъзгўйлар (музаққирунлар) аъёналарини давом эттирган, улар ўзларининг оммавий нутқларида («аммат») дунёнинг охири, одамларни ўз диний бурчларини бажаришга қайтишга, Ислом аҳқомларига риоя қилишга чақирган. Шунингдек, Шамсул Аимма ал-Ҳалвоний фатволар берган. Жумладан, ал-Кафавий ўз асарида 26 та фатвони тилга олган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мухйиддин Абу Муҳаммад 'Абд ал-Қодир ибн Муҳаммад ибн Аби-л-Вафа' ал-Қураши ал-Ҳанафий. Ал-жавохир ал-муддийа фи табақат ал-ҳанафийа, 1/318.
2. Ал-Амир Абу Наср 'Али ибн Хибат Аллах ибн 'Али Ибн Мақула ал-'Иджли. «ал-Икмал фи раф' ал-иртийаб 'ан ал-му'талаф ва-мухталаф мин ал-асма' ва-л-қуна ва-л-ансаб». Байрут: Дар ул-кутуб илмийа, I жилд, 1411 х, 3/111.
3. Ходжи Халифа. «Кашф аз-зунун 'ан асами ал-кутуб ва-л-фунун», 1/46
4. Абу Са'д 'Абд ал-Карим ибн Муҳаммад ибн Мансур ат-Тамими ас-Сам'ани. Ал-Ансаб. Ҳинд: 1385 х, 2/248.
5. Шаҳабуддин Аби Абдулла Яъқуб бин Абдулла ал-Ҳамавий ар-Румий ал-Бағдодий. Му'жам ал-булдан. Байрут: 1968, 1/250.
6. И'мадиддин Аби ал-Фидаи Исма'ил бин ал-Хатиб Аби Хафс Умар бин Касир ал-Қураший ад-Димашкий. Сира а'ламу ан-нубалаи. Байрут: Мактаб ал-ма'ариф, 1974, II жилд, 12/183.